



Ўзбекистон етакчисини Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси кутиб олди ва самимий кутлади. Давлат раҳбарларининг қисқа учрашуви бўлиб ўтди.

касига расмий ташрифни Аҳмад Фаргоний меҳриси зиёратидан бошлади.

Маълумки, бу буюк ватандошимиз ўз даврининг етук астрономи, математиги ва географи бўлган. Бағдод ва Дамашқда илмий тадқиқотлар ўтказган, 856 йилдан эса Хожирада яшаб, умрининг сўнгига қадар Мисрда илм-фан билан шуғулланган.

Олим кўплаб муҳим кашфиётлар қилган. Жумладан, 861 йилда Нил дарёсиданги Ravza оролида сув сатҳини ўлчайдиган иншоот барпо эттирган. “Миқёс ан-Нил” номи билан машҳур бу қурилма қишлоқ ҳўжалиги ва иқлимни баҳолашда жуда муҳим бўлган. Қарийб 1200 йил давомида

иншоотдан ўтган асргача узлуksиз фойдаланилган. Бугунги кунда эса у туристик масканга айлантилрилган.

2007 йилда Микёси Нил яқинидаги хиебонда Ахмад Фарғонийга ҳайкал ўрнатилган. Президентиси унинг пойга гулчамбар қўйиб, мутафакир бобомизнинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Сўнг давлатимиси рабари Микёси Нил иншоотини қўздан кеңири, унинг тарихи, Ахмад Фарғоний илм-фанга қўшган хиссаси ҳақида олимлар билан суҳбатлашди.

Улуг алломанинг ҳозиргача сакланиб келаетган мероси, умуман, ўзбекларнинг Миср тарихидаги ўрни халқаромиси ўрта-

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Миср Араб Республикасига расмий ташрифи доирасида ушбу мамлакат етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Мисрнинг етакчи компаниялари вакиллари ўз чиқишларида янги Ўзбекистонда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Миср Араб Республикасига расмий таърифи давом этмоқда.

Ÿ3A.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

**ИККИ ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ
СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК
МУСТАҲКАМЛАНАДИ**

Миср инсоният цивилизациясининг қадимий
марказларидан бири бўлиб, бугунги кунда улкан салоҳиятга
эга, ислом оламида, араб мамлакатлари орасида ва Африка
қитъасида алоҳида мавқега эга давлатдир.

Миср араб давлатлари орасида
принциплардан бўлиб 1991 йил
декабрь куни Ўзбекистон давлат
стабиллигини тан олган. Ўтган давр
бўйинда мамлакатларимиз бир-
бирининг манфаатларини ҳисобга
олиш ва ҳурмат қилиш тамойилла-
рига асосланган самарали ҳамкор-
ликни изчил диванжантирмоқда.

Ўзро муносабатларнинг 60 га яқин ҳужжатлардан иборат мустақам шартномавий-ҳуқуқий базаси асос бўлмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Миср Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сисининг 2018 йил 4-5 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралари тарихий аҳамиятга эга бўлиб, ўзро муносабат-

Икки давлат раҳбарлари ўртасида самимий ва ишончли сиёсий мулоқот ўрнатилган ва у турли шаклдаги тадбирлар доирасида изчил қўлаб-қувватлаб келинмоқда. Хусусан, улар ўтган йил февраль ойида Пекин шаҳрида қишки Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросими доирасида учрашган эди.

киллари ўртасидаги ҳамкорлик сезилари даражада фаоллашди. Хусусан Ўзбекистон ва Миср парламентларида дўстлик гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда, Ташқи ишлар вазирликларидан мунтазам сиёсий маслаҳатлашувлар механизми яратилган. Ўзбекистон — Миср қўшма комиссияси ва Ўзбекистон — Миср ишбилармонлар кенгаши иктисодий ало-

Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Миср БМТ, Ислам ҳамкорлик ташкилоти, Араб давлатлари лигаси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро тузилмалар доирасида самарали муносабатлар ўрнатган бўлиб, бир-бирининг ташаббусларини ўзаро қўллаб-қувватламодда. Кўпгина халқаро масалалар бўйича мамлакатларнинг позициялари ва ёндашувлари ўхшаш ёки яқиндир.

Бугуни кунда Ўзбекистонда бўлгани каби Мисрда ҳам кенг қўллами демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётгани ва мазкур жараёнлар барқарор ҳамда тинч тараққиётга, ўз халқларининг фаровонлигини юксалтиришга интилаётган мамлакатларни бирлаштирувчи омили бўлаётганини таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда мамлакатимизда Миср капитали иштирокидаги 12 та корхона ташкил этилган. Улар қишлоқ хўжалиги, енгил саноат, фармацевтика ва бошқа соҳаларда муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Миср
Араб Республикасига расмий ташрифи
муносабати билан мамлакатимизнинг
Қоҳирадаги элчиси Мансурбек ҚИЛИЧЕВ
«Дунё» АА мухбири саволларига жавоб
берди.

— Мансурбек Бахтиёрович, бугунги кунда мамлакатимизнинг Миср Араб Республикаси билан муносабатлари қандай ривожланаётгани ҳамда ўзаро алоқалардаги ўзига хосликлар ҳақидаги маълумотларни билишни истар эдик...

— Ўзбекистон ва Миср
қўлқари алоқалари узоқ
мишга бориб тақалади. Бу
ишда эришар даражиди

Мамлакатимиз раҳбарияти Мисрни Яқин Шарқ минтақасида изчил ривожланаётган муҳим давлат ва Африка қитъасидаги истиқболли шерик сифатида би-

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ЭЪТИРОФИ

Президентимизнинг ўтган йил декабрь ойидаги Фармонига мувофиқ, фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳаларининг бир гуруҳ вакиллари мамлакатимиз илм-фан, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга sazovor бўлган, халқро микёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, замон талабларига жавоб берадиган уюсмак, мазмунан долзарб иқидий ишлари учун Давлат мукофотлари билан тақдирланган эди.

Тадбирда таъкидланганидек, инсон қадри устувор юртда меҳнатлар, фидойилик, албатта, ўз эътирофини топади. Халқнинг эъзозига, давлатнинг эътиборига сазовор бўлади.

меъморлик соҳалари замон
андозларига мос ривож-
ланмоқда. Бу борада ўз
иқтисодии, фидойилиги,
ватанпарварлиги, жонқуя-
рлиги билан бошқаларга
ўрناк бўлаётган юртдошла-
римизга алоҳида эътиром
кўрсатилиб, улар мунтазам
рағбатлантириб келинмоқда.
Мазкур Давлат мукофоти
бунинг яна бир
хаётий исботидир.

ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА КАМЧИЛИКЛАР МАВЖУД

Яқинда Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари кўмитаси ишчи гуруҳи Навоий вилоятидаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан очиқликни таъминлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қандай ижро этилаётгани юзасидан комплекс ўрганиш ўтказди.

Шу жараёнда ишчи гуруҳ вилоятдаги турман ва шахар ҳокимликлари томонидан очикликни таъминлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси кенг миқёсда йўлга қўйилгани, шунга қарамай мазкур фаолият доирасида қатор камчиликлар мавжудлигини аниқлашти

Жумладан, Навбахор ва Нурота туманлари ҳокимликлари Президентининг 2022 йил 14 июндаги Фармони ижросини таъминлаш мақсади, ўз фаолиятига оид ҳисоботларини расмий веб-сайтга жойлаштирмаган ҳамда белгиланган муддатларда матбуот анжуманлари ташкил этилмаган. Нурота тумани ҳокимлиги

Шунингдек, вилоят ҳокимлиги томонидан 2022 йилда қарамовий аҳборот воситалари учун медиаражага кириштирилиб, ўтказилиши белгиланган маъблут тадбирлари тўла ташкил этилган. Хусусан, биргина тўрттинчи чоракка мўлжалланган 95 та маъблут анжуманининг ярмидан кўпга ўтказилган. Қатор туманларда аҳборот хизмати фойалиятидан унмлли фойдаланмаслиқ, сайтни вақтида янги-ламаслиқ ҳолатлари ҳам кузатилади.

**ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ
ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА**

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йигилишлари бўлиб ўтди. Уларда парламент қуйи палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари муфассал қўриб чиқилди.

Ўз навбатида, Президентимизнинг шу йил 17 февраль куни Бухоро вилоятига ташрифи давомида берган топшириқлари ижроси юзасидан келиб чиқадиган ўстўвор вазифалар белгилаб олинди.

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар
ракати — Ўзбекистон Либерал-демок-
ратик партияси фракцияси** йиғилишида
қилдангандек, давлатимиз раҳбари таъриф
дада маҳаллардан ҳаёти ва саноат қоронала-
фаолияти билан танишиш баробарида аҳоли
ндлигини таъминлаш, камбағалликни
қадриштириш, энергия таъминотини ахшилаш
вазифаларини ижросининг ўз вақтида
амалга ошириш мамлакатдаги етакчи сиёсий қу-
ватидида ўзГидЕП ва унинг парламентдаги
фракциясидан ҳам фаоллик талаб этилади.

Улар томонидан энергия ресурсларини тисод қилиш, муқобил энергетикани ривжондириш ва қайта тикланувчи энергия

— Президентимиз Бухоро вилоятига аввалги ташрифи давомида аҳоли турмуши фаровонлигини янада яхшилаш, шаҳар ва туманлар инфратузилмасини мустаҳкамлаш, ишбилди муаммосини қисқارتирish, вилоятни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш бўйича масъуллар олдига аниқ вазифалар қўйган эди, — деди парламент қўйи палатасидagi ЎзИДеп фракцияси раҳбари А. Хамитов.



ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР ЎРНАТИЛГАНИНING 30 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (ЖИДУ) ҳамда Мисрнинг “Ал-Хивор” сиёсий ва ахборий тадқиқотлар маркази билан биргаликда “Ўзбекистон ва Миср ҳамкорлиги” деб номланган янги китоб нашр этилди.

Ўзбекистонлик дипломат, ЖИДУ Тил таълими маркази бошлиғи Лутфиддин Хўжаев ҳамда мисрлик сиёсатшунос Аҳмад Тохир муаллифлигидаги китоб Ўзбекистон ва Миср ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишланади.

Нашрда ёзилганидек, Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги муносабатлар тарихи чуқур илдизларга эга бўлиб, халқларимизни муштарак диний ва маданий қадриятлар ҳамда анъаналарнинг ўхшашлиги боғлаб туради. Ушбу омил ҳозирги кунда ҳам икки мамлакат ўртасидаги мавжуд дўстона ва ўзаро манфаатли алоқалар ривожига мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилмоқда.

Чунончи, бугунги кунда икки томонлама ҳамкорлик сиёсий, иқтисодий, маданий ва хавфсизлик соҳаларини қамраб олади. Ўзбекистон — Миср алоқалари халқро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳам фаол ривожланиб бормоқда.

Китобда 2018 йил сентябрь ойида Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сисининг Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи ва мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев билан учрашувлари икки давлат ўртасидаги алоқаларни янги босқичга олиб чиққани қайд этилади. Шунинг натижаси ўларок, ўзаро ҳамкорлик барча соҳада изчил ривожланиб бормоқда.

Мазкур асар учта бобдан иборат бўлиб, улар “Ўзбекистон ва Миср: муносабатларнинг юқори босқичга кўтарилиши”, “Ўзбекистон ва Миср ҳамкорлигининг истиқболли соҳалари” ҳамда “Ўзбекистон ва Миср

— ўхшаш ёндашувлар, муштарак муаммолар” деб номланади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ҳам, Миср ҳам барча йўналишда тўб ислохотларни собитқадамлик билан давом эттирмоқда. Ҳар икки мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақса-

длар халқнинг фаровон ҳаёти гарови бўлган барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлаш, Марказий Осиё ва Яқин Шарқ минтақалари ҳамда халқро майдонда самарали ва конструктив ташқи сиёсат



юритишга қодир бўлган икки янги давлат — Янги Ўзбекистонни ва Янги Мисрни барпо этиш ҳисобланади, дейилади нашрда.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Матбуот хизмати.

АСРИЙ ИЛДИЗЛАРГА ЭГА ЯҚИН RIШТАЛАР

Ўзбекистон ва Миср халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларнинг тарихи узок асрларга бориб тақалади. Жумладан, 868 — 969 йиллар тўлунийлар ва ихшидийлар сулолалари каби асли фарғоналик туркийлар Мисрда ҳукмронлик қилгани, шунингдек, Аҳмад Фарғоний каби буюк боёбоқлонларимиз даврида шаклланган дўстлик ва ҳамкорлик икки давлатни асрий илдизларга эга бўлган тарихий ва маданий ришталар боғлаб турганини намоён этади.

Кейинги йилларда ана шу тарихий муносабатлар янада ривожланиб, янгича мазмун-моҳият касб этмоқда.

Дўстлик муносабатларини ҳаракатга келтирган куч

Мисрнинг халқро майдон ва минтақадаги нуфузи, араб-мусулмон оламидаги долзарб муаммоларни ҳал қилишда тўтган ўрни, терроризм ва диний экстремизмга нисбатан принципиал мавқеини ҳисобга олсак, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг турли соҳаларда ривожланаётгани аҳамияти янада ойдинлашади.

Миср араб давлатлари ичида биринчилардан бўлиб, 1991 йил декабрда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини эътироф этган ва 1992 йил январда икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мисрда илк расмий ташрифи мамлакатларимиз халқларини бирлаштириб турувчи азалий тарихий-маданий муштараклик, анъанавий дўстлик ва яқин алоқаларни бугунги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, янги асосда раvнақ топтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятга молик.

Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сисининг 2018 йил сентябрда мамлакатимизга расмий ташрифи давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан ўтказилган тор ва кенг доирадаги музокаралар натижасида эришилган келишувлар иккиёқлама муносабатларнинг ривожига жиддий туртки берган муҳим воқеа бўлди.

Мисрнинг “Ал-Хивор” сиёсий ва ахборий тадқиқотлар маркази директори, профессор Аҳмад Тохирнинг фикрича, халқларимиз ўртасидаги муносабатлар уларни ҳаракатга келтирувчи кучга мухтож эди. Давлатларимиз раҳбарларининг сиёсий иродаси, истак-интилишлари билан ҳамкорлик муносабатларининг янги даври бошланди. Шунингдек, мамлакатлар ўртасидаги дўстлик жамиятларини фаоллаштириш ўзаро алоқаларни янада юқори поғонага кўтаришга хизмат қилади.

Ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, хусусан, йм-рик савдо-иқтисодий лойиҳалар,

хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали иқтисодиётда эришилаётган ютуқлар Миср халқи, оммавий ахборот воситалари вакиллари қизиқишини тобора ўзига жалб этмоқда.

Ўзбекистон ва Миср Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ўзаро қизиктирган долзарб масалалар бўйича мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиб келинмоқда. Бу каби маслаҳатлашувларнинг навбатдаги раунди 2022 йил Қоҳирада бўлиб ўтган.

Ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказиш, халқро ташкилотлар доирасида мавқеларни мувофиқлаштириш, минтақавий ва халқро муаммолар юзасидан келишилган ҳаракатларни амалга ошириш, терроризм, экстремизм, гиёҳвандлик моддалари билан ноқонуний савдо қилишга қарши кураш сиёсий соҳадаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари, деб ҳисобланади.

1992 — 2023 йиллар давомида Ўзбекистон ва Миср ўртасида ҳукуматларо ҳамда идораларо-ро кўп ҳужжатлар имзолангани натижасида ўзаро алоқаларнинг мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий асоси яратилган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мисрда ташрифи жуда катта халқро аҳамиятга молик бўлиб, ташриф асносида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг деярли барча соҳасини ўз ичига олувчи янги ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, ташриф давомида икки мамлакат ишбилармонларининг учрашуви ўтказилиши ва савдо-иқтисодий ҳамда инвестициявий ҳамкорликка оид масалалар юзасидан ўзаро манфаатли келишувларга эришиш режалаштирилган.

Эътиборга лойиқ томони шундаки, бугунги кунда икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Бу борада 1996 йил июнда Ўзбекистон — Миср ҳукуматлари ўртасида ташкил этилган қўшма комиссиянинг фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳукуматларо қўшма комиссиянинг йиғилишлари мобайнида ўзаро ҳамкорликнинг турли йўналишлари муҳокама қилиниб, қатор ҳужжатлар имзоланмоқда. Жумладан, бу каби мулоқотлар натижасида икки давлат ўртасида маданият, соғлиқни сақлаш, пахтачилик, фармацевтика ва ахборот технологиялари соҳаларида ҳамкорлик ўрнатилган.

Ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш ва



кенгайтириш учун Ўзбекистон ва Мисрда катта имкониятлар мавжуд бўлса-да, ҳозирча улардан етарли даражада фойдаланилмай келинмоқда. Мисрда Ўзбекистонга сармоя киритишга катта қизиқиш билдираётган ишбилармонлар кўп. Айниқса, Ўзбекистондаги тўқимачилик ва мебель ишлаб чиқариш каби соҳалар мисрлик тадбиркорлар эътиборини жалб этмоқда. Фармацевтика, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасида ҳам шериклигини ривожлантириш катта истиқболларга эга.

Қадимий цивилизациялар бешиги

Ўзбекистон ва Миср қадимий цивилизациялар бешиги ҳисобланади. Шу ўринда қайд этмоқ жоизки, Амир Темуr ва темурийлар тарихига оид қўлпаз кўлёмалар ҳамда Қамалиддин Беходнинг қатор миниатюраларининг асл нусхалари Мисрнинг Искандария кутубхонасида сақланади. Мазкур гўшада сақланаётган Қамалиддин Беходнинг ноёб асарлари ва Ўзбекистонлик алломалар қаламига мансуб қатор кўлёмаларнинг электрон нусхалари 2002 — 2004 йилларда юртимизга олиб келинган.

Миср туризм соҳасида, хусусан, сайёҳларга хизмат кўрсатиш, меҳмонхона бизнесида катта тажрибага эга. Мисрнинг етакчи сайёҳлик компаниялари билан туризм соҳасида тажриба алмашуви йўлга қўйиш, Ўзбекистонлик шу соҳа вакилларининг маълака оширишини ташкил этиш, юртимизнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги сайёҳлик салоҳиятини мисрликларга янада кенгрок таништириш икки давлат ўртасида бу борада кенг ҳамкорлик қилиш учун қулай имконият яратди. Шу ўринда, Тошкент, Қоҳира, Шарм аш-Шайх шаҳарлари бўйлаб авиақатновларнинг ишга туши-

рилгани икки томонлама сайёҳлар оқимининг кўпайишига хизмат қилишини қайд этмоқ жоиз.

Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги маданият ва таълим соҳасидаги алоқаларга тўхталсак, улар қўшна тарихга эгалигини зикр этиш мумкин. Жумладан, Аҳмад Фарғоний, Маҳмуд Замахшарий каби буюк ўзбек мутафаккирлари ўз асарлари билан Мисрда дунёвий фанлар шаклланиши ва ривожланишига катта ҳисса қўйган. Айниқса, Қоҳира шаҳридан ўтган Нил дарёси суви сатҳини ўлчайдиган иншоот — Миқёси Нил олдида Аҳмад Фарғонийнинг хайкали ўрнатилганини икки мамлакат халқларининг азалий илмий-маданий алоқалари тимсоли сифатида баҳолаш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Миср олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги академик ҳамда инновацион алоқаларни ривожлантириш бўйича ҳам ижобий натижаларга эришилмоқда. Хусусан, 2023 йил 2 — 3 февраль кунлари Тошкент давлат шарқшунослик университети делегацияси Мисрнинг Қоҳира, Искандария шаҳарларида бўлиб, қатор нуфузли университетлар, илмий-тадқиқот муассасаларида мулоқот ўтказиб қайтди.

Таълим — тараққиёт пойдевори

Таълим — тараққиёт пойдевори. Шу маънода, Миср олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ниятидамыз. Хусусан, араб тили бўйича фан дастурлари, ўқув қўлланмаларини яратиш, замонавий технологиялар асосида араб тилини ўргатиш, ўқитувчиларга ўқув семинарлари, маълака ошириш курслари ташкил этиш, илмий-тадқиқот марказлари билан илмий лойиҳаларни бажариш, араб тили, таржимонлик, тарихий ва адабий манбаъанослик, туризм, халқро журналистика каби соҳаларда қадрлар тайёрлашда Миср олий-гоҳлари салоҳияти ва имкониятидан фойдаланиш самаралидир.

Бугунги кунда Миср олий таълим муассасалари араб дунёсида етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Шу нуктаи назардан, юқорида зикр этилган мутахассисликлар бўйича билим ва маълакага эга шарқшунос-арабшуносларни тайёрлашда Миср университетлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш долзарб бўлиб қолмоқда. Зеро, дунё бўйича эътироф этилган “QS World University Rankings”, “Times Higher Education” каби нуфузли халқро рейтингларда Айн Шамс, Қоҳира ва Искандария университетлари Миср олий таълим муассасалари ичида энг юқори кўрсаткичларни намоён этган. Шу боис мазкур олийгоҳлар фаолиятини ўрганиш ва тажриба алмашиш эътиборга лойиқ бўлиб, улар ҳозирда Миср ва, умуман, араб давлатлари олий

таълим муассасалари миллий рейтингида 1 — 3-ўринларни эгаллаб келмоқда.

Ушбу мамлакатнинг Айн Шамс, Қоҳира, Искандария, Хелвон университетлари, “Ал-Хивор” сиёсий ва ахборий тадқиқотлар маркази билан ўтказилган учрашувлар давомида мисрлик ҳамкорлар бугунги кунда икки давлат ўртасидаги ўзаро алоқалар тобора изчиллашиб бораётганини алоҳида таъкидлаб, бу, ўз навбатида, янги Ўзбекистон Миср учун Марказий Осиё минтақасидаги стратегик аҳамиятга молик ишончли шерик мақомини олаётганидан далолат беришини эътироф этди.

Миср олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан амалга оширилган музокаралар давомида эришилган келишувлар асосида келгусида Айн Шамс, Қоҳира, Искандария, Хелвон университетлари араб тили бўйича қисқа муддатли маълака ошириш курсларига ТДШУ араб тили ўқитувчилари ва талабаларини юборишга келишиб олинди. Хелвон университети билан 2023/2024 ўқув йилидан “Филология (араб тили)” таълим йўналиши ёки “Лингвистика (араб тили)” мутахассислиги бўйича қўшма таълим дастурини йўлга қўйиш устида тегишли ишлар бошлаб юборилди.

Шунингдек, ушбу университетлар олимлари билан бирга араб адабиётининг намуналарини ўзбек тилига, ўзбек тилидаги машҳур асарларни араб тилига таржима қилиш ҳамкорлигининг яна бир йўналиши сифатида белгиланди. “Ал-Хивор” сиёсий ва ахборий тадқиқотлар маркази билан ҳамкорликда Ўзбекистон ва Миср алоқаларида бағишланган илмий анжуман ўтказиш, араб жамоатчилигини юртимиз ҳақидаги янги маълумотлар билан таништириш бориш мақсадида электрон бюллетень нашрини таъсис этиш масалалари кўриб чиқилди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги қадимий ришталар бугун янги шакл ва мазмун билан бойиб бормоқда. Бу эса азалдан дўст, инок, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлган икки мамлакат халқларининг асрий орзу-мақсадлари, истак-интилишларига гоят амаҳкамдир. Президентимиз таъбири билан айтганда, биз Мисрни қадимий цивилизация бешиги, бой тарих ва юксак салоҳиятга эга мамлакат деб биламиз. Халқларимизнинг маданий яқинлиги жуда қадим замонларга бориб тақалади. Ота-боболаримиз биргаликда илм-фанни ривожлантирган, маданий ҳамкорлик, савдо-сотик қилган. Бунга тарихда мисоллар жуда кўп. Бугун Ўзбекистон — Миср ҳамкорлигида янги босқич, амалий ишлар даври бошланмоқда.

Гўлҳебра РИХСИЕВА, Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори.

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ЭЪТИРОФИ



Давлат мукофотларини топириш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Одил Абдурахмонов иштирок этди.

Куйидаги дил сўзларида изланишлари, интилишлари самарасидан юксак шарафга муяссар бўлган юртдошларимизнинг чексиз қувонч ва ҳаяжонини яққол англаш мумкин.

Кувондик САНАҚУЛОВ, “Навой кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси — бош директори:



— Бугунги шиддаткор замонда тараққиёт ва мамлакат иқтисодиёти барқарорлиги, халқнинг фаровонлиги бевосита инсон интеллекти билан чамбарчас боғлиқ. Юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш ривожланиб, рақобат кучаймоқда. Бунинг натижасида, ҳар бир соҳада илмга асосланган янгилар яратиш ҳаётини заруратга айланмоқда. Бинобарин, кон-металлургия саноати ҳам бундан мустасно эмас.

Замонавий тоғ-кон саноатида ишланиши мурраккаб бўлган маъдан таркибидан металлари ажратиб олиш бўйича илмий ишлар олиб бориш, янги технологияларни яратиш муҳим вазифалардан бири саналади.

Комбинатимиз жамоасининг шу йўлдаги изланиш, фан ва техника соҳасида янгилар яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича саъй-ҳаракатлари ўз натижасини бераётганлиги мамлакатимизда инсон интеллектига эътиборнинг самараси, десак, асло муболағга эмас.

“Технологик ва ишланиши мурраккаб бўлган олтин таркибли маъданларни қайта ишлаш ва ўзлаштиришнинг комплекс технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” мавзусидаги ишланма ана шундай илмий изланишларимиздан бири ҳисобланади. Мурраккаб таркибли маъдан-дан олтинни юқори самарадорликда ажратиб олишга мўлжалланган мазкур ишланма устида иш 2009 йилда олим ва мутахассислар жалб этилган ҳолда бошланган эди. Қарийб ўн йил изчил илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб борилди. Натижада, дунёда муқобили бўлмаган ноёб технология яратишга, бу иш-рони назарий ҳамда амалий жиҳатдан республика ва халқро миқёсда исботлаб беришга муваффақ бўлдик.

Илмий изланиш ва тадқиқотлар қўламини тасаввур қилиш учун муҳим бир фактни келтириб ўтмоқчиман. 2009 — 2019 йиллар давомида уч мингдан ортиқ турли муваффақиятли ҳамда муваффақиятсиз тажрибалар ўтказилди ва оқибатда жаҳон бозори талабларига мос технология жараён ишлаб чиқилди. Бу Германия, Қозғистон ва Россияда ўтган халқро конференцияларда муносиб ҳимоя қилиниб, илмий анжуманларнинг 1-даражали дип-

ломла-рига сазовор бўлди. Кўп йиллик машаққатли изланишлар, аниқ исбот ва далилларга асосланган ихтиромиз халқро миқёсда ҳам тан олин-иб, Ўзбекистон ва Германияда патентга эга бўлди. Умуман, ишланмамиз дунё кон-металлургия саноатида муҳим янгиллик сифатида ўз эътирофини топди. Янги технологиянинг жорий этилиши туфайли 3-гидрометаллургия заводида йилга қўшимча равишда чиқиндида 1,5 тонна олтин олинмоқда. Дастлаб соҳа мутахассислари, хорижлик олимлар иш-мизнинг самарали бўлишига ишонсизлик билан қарашгани ҳам бор гап. Бу табиий ҳол эди. Чунки ишланмамиз янги назарияга асосланган ва бунинг натижаси ҳозирги замон технологияларидан анча олдинни кўзлаган эди. Амалиётга муваффақиятли татбиқ этилган ихтиро ор-тидан қутилган самарадорликка эришдик. Бу ютуғимиз халқро миқёсда ҳам эътироф қилиниб, БМТ Интеллектуал мулк ташкилоти Олтин медалига лойиқ топилди.

Янги Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўймоқда. Кенг қўламли ислохотлар самараси ҳар бир соҳа ва жаҳода кўзга тобора яққолроқ ташланаёт-тир. Бугунги давр, яъни дунёда бўлаётган ўзгаришлар, глобаллашув жараёнлари барчамиздан ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, олдинки қўйилган масъулиятли вазифаларни ўз вақтида бажариш йўлида фидойиллик кўрсатишни тақозо этмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари Олий Махлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида таълим сифатини ошириш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг якъаю ягона тўғри йўли эканини, жорий йилда илм-фан ва инновацияларга 1,8 триллион сўм ажратили-шини таъкидлаб, “Энди олимларимиз сув ва энергияни тежаш, тупрок унумдорлиги ва ҳосилдорлик, геология, саноат, қурилиш каби бугунги кунда биз учун долзарб йўналишларда аниқ натижалар кўрсатишлари керак” деган давлатни илгари сурди. Мазкур давват, эътибор ва ишончга амалий ишларимиз билан жавоб бериш ҳар биримиз учун бурчдир.


Назия МИРТОЖИЕВА, (ҳайкалтарос Жалолиддин Миртожиевнинг турмуш ўртоғи):

— “Жалолиддин Миртожиев Давлат мукофотига муносиб кўрилди” деган хушxabарни эшитиб, тўриси, йилгаб юбордим. Ушбу юксак мукофотни қўлга олар эканман, яна ўша тўлғу, ҳаяжон, қувонч-қалбимни тўлқинлантириб юборди. Турмуш ўртоғимнинг сувратини сийрати, ижод машаққатлари кўз олдимда жонланди. Қани энди ижодкор ҳаёт бўлсаю мана шу эъзозни, ҳурмат-эътиромни ўзи кўрса, меҳнатлари роҳатини ўзи тота! Афсус, тақдир бизнинг қўлимизда эмас.

Жалолиддин Миртожиев ўзидан катта мерос қолдирди. У яратган асарлар — Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Қамалиддин Беход, Мирзо Бобур ва Ҷўлпон, Фитрат ва бошқа улуг аждодларимиз хайкаллари мамлакатимизнинг турли шаҳарларида, хатто жаҳоннинг улкан мегаполисларида савлат тўкиб турибди.

Пойтахтимиздаги “Ватанга қасамёд”, Жиззах, Андижон, Фарғонадаги “Мотамсарона” ва бошқа хайкаллар ижодкорининг энг яхши санъат намуналари ҳисобланади.

Жалолиддин Миртожиев жаҳон санъати соҳасига қўшган бекиёс ҳиссаси учун Токио санъат музейининг



Ф у д ж и музейи медали билан тақдирланган, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги халқро мукофот совриндори, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Шанхай университетининг фахрий профессори бўлган.

Жалолиддин аканинг ўлмас асарлари, ижодий ишлари давлатимиз раҳбари томонидан юксак қадрланиши, эътироф этилиши биз, оиласи, фарзандлари, шогирдлари қалбига олам-олам қувонч бағишлади. Ўйлайманки, у кишининг руҳи ҳам шод бўлди. Бу мукофотни ижод аҳлига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунаси деб биламан.

Ижодкор дунёдан ўтган бўлса ҳам руҳан биз билан доим бирга, қалбимизда барҳаёт. Юртимиз маънавияти ва маърифатини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган бундай улғун инсонларнинг бетакрор ижод намуналари улар ўтиб кетганларидан кейин ҳам ўз қадрини йўқотмайди ва боқийлик касб этади.

«Халқ сўзи».

МАСАЛАСИ ИЖОБИЙ ҲАЛ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАР
МИННАТДОРЛИК БИЛДИРДИ

Яқинда шундай тадбирлардан бири Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси

дарё, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан келган 60 нафарга яқин фуқаролар мурожаатлари тинланди.

Маълумки, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиш, муҳими, уларга ижобий ечим топиш мақсадида Олий Мажлис Сенатида ҳар куни фуқаролар қабули ўтказилмоқда.

раиси Малика Қодирхонова иштирокида бўлиб ўтди.

Унда Қашқадарё, Наманган, Фарғона, Сир-

Мурожаатлар моддий ёрдам кўрсатиш, уй-жой билан таъминлаш, суд қарори, ишга жойлаштириш, низоли ер участкалари ва банк фаолиятига тааллуқли бўлиб, уларнинг ҳар бири тегишли ташкилотлар вакиллари иштирокида атрофчида ўрганиб чиқилди.

Жумладан, турмуш ўртоғи томонидан тазйиққа учраган ва уйи-

дан ҳайдаб юборилган пойтахтнинг Юнусобод туманида яшовчи Н. М. исмли фуқарога жойида кўмак берилиб, ушбу аёл фарзанди билан республика реабилитация марказига жойлаштирилди. Шу билан бирга, Бухоро вилоятида яшовчи С. А. соғлигини тиклаш бўйича қилган мурожаати юзасидан тиббиёт муассасасига жойлаштирилди.

Мурожаатлар орасида ваколатли орган раҳбарлиги қабул қилинган фуқароларнинг амалий ёрдам сўралганлари ҳам бўлди. Бу масала юзасидан мутасаддилар билан биргаликда атрофчида тушунтириш ва ҳуқуқий маслаҳат берилди.

Шунингдек, ўрганиш ва қонуний ҳал қилиш учун қўшимча муддат талаб этиладиган мурожаатлар бўйича тегишли идораларнинг зиммасига аниқ вазифалар юкланди. Мурожаатларнинг 5 таси сенатор ва мутасаддилар томонидан жойида ижобий ҳал этилди.

Ўз навбатида, Сенат, вазирлик ва идоралар томонидан кўрсатилган амалий ёрдам туфайли муаммоси ижобий ҳал бўлган бир қатор фуқаро, шу жумладан, моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманида яшовчи М. О. масъулларга ўз миннатдорлигини билдирди.

«Халқ сўзи».

Эшитув

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ
ВА КЛАСТЕРЛАРДА
ҚАНДАЙ МУАММОЛАР
БОР?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси ҳамда Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда "Аграр соҳада тадбиркорликни ривожлантириш масалалари, фермер хўжаликлари ва кластерлар ўртасидаги мавжуд муаммолар таҳлили, деҳқон хўжаликларини ташкил этиш борасидаги ишлар ҳолати" юзасидан масъул вазирлик ва идораларнинг ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда барча тармоқда кластерлар фаолиятини ривожлантириш ва рағбатлантириш, айниқса, пахта-тўқимачилик, мева-сабзавотчилик йўналишларида кластерлар фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишдаги масъулиятини ошириш, маҳсулот етиштирувчи ва уни қайта ишловчиларнинг манфаатдорлигини таъминлашга қаратилган тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Хусусан, 2022 йилда республикада 134 та пахта-тўқимачилик кластери фаолият юритиб, 1 032 минг гектар ер майдонларида жами 3,5 млн. тонна пахта хомашёси етиштирилган. Галлачилик кластерлари сони 38 тага ошиб, 195 тага етган ва улар билан шартнома асосида фаолият юритаётган фермер хўжаликлари томонидан 928 минг гектар ер майдонида галла парваришланиб, 6 496 минг тонна галла ўриб-йиғиб олинган.

Шунингдек, мева-сабзавотчилик кластерларидаги бириктирилган 181,2 минг гектар ер майдонларидан 1,4 млн. тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиб, шундан, 454,4 минг тонна ичи истеъмолга, 630 минг тонна қайта ишлаган ҳамда қиймати 265 млн. долларлик 315,6 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулоти экспортга йўналтирилган.

Йиғилишда халқ вакиллари эришилган ютуқларни эътироф этиб, соҳада учраётган айрим муаммоларга эътибор қаратдилар. Депутатлар томонидан Фарғона, Наманган ва Тошкент вилоятларида ўтказилган маълумотларга эътибор қаратилган. Депутатлар қайд этилган. Хусусан, ҳар бир кластердан ўртача 10 — 15 фоиз пахта ва галла майдонларини қисқартириш ҳисобидан аҳолига деҳқон хўжаликлари учун ажратилаётган ер майдонлари бугунги кунгача кластерлар ҳисобида турганилиги муқоамаларга сабаб бўлди.

Бундан ташқари, 2023 йил учун кластерлар ва фермер хўжаликлари ўртасида пахта хомашёси етиштириш ҳамда харид қилиш бўйича ёнчорер шартномаси бир томонлама кластер манфаатига мос равишда ишлаб чиқишли ҳолати кузатилаётгани, ҳосилдорлик

центнерлари ер балл бонитетидан келиб чиқмасдан белгиланаётгани, маҳсулотлар етиштириш харажатлари учун кластерларга ажратилган имтиёзли кредитларнинг фойзлари фермер хўжаликлари зиммасига юкланаётгани депутатлар томонидан танқид қилинди. Йиғилишда депутатлар маҳсулотларни етиштириш бўйича имтиёзли кредитлар тўғрисидаги фермер хўжаликлари ахбороти, шунингдек, фермерлар ҳудуддаги исталган кластер билан шартнома тузишдаги тўсиқлар бартараф қилиниши зарурлигини қайд этдилар.

Айни чоғда депутатлар соҳада учраётган муаммоларни бартараф қилишга қаратилган қатор тақлифларини илгари суришди. Хусусан, кластерлар ва фермер хўжаликлари ўртасидаги фьючерс шартномаларининг мутасаддилар билан келишилган шаклдаги намунавий лойиҳасини ишлаб чиқиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда шартнома тузиш эркинлигини бузиш, шартнома тузишга мажбур қилиш ҳолатлари учун жавобгарликни белгилаш зарурлиги айтиб ўтилди. Шартномаларни қўғоз шаклда тузишдан воз кечиш ва электрон тартибда, ягона ахборот порталида рўйхатдан ўтказиш, унинг ихросини доимий мониторинг қилиб бориш бўйича тизим яратиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда депутатлар фермер хўжаликлари ва пахта-тўқимачилик кластерларида имконият яратиш мақсадида қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси кредит ресурслари ҳисобидан тижорат банклари томонидан тўғридан-тўғри ер участкасига эгалик ҳуқуқи бўлган фермер ва кластерларга имтиёзли кредитлар ажратилишини белгилаш тақлифини берди.

Шу билан бирга, бугунги ағамиятнинг даврида долзарб аҳамият касб этаётган барча пахта ва дон қабул қилиш масканларини янги, замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш ҳамда пахта хомашёси ва бошқоқ дон қабул қилишда амалдаги стандарт талабларини жаҳон стандартлари талабларига мувофиқлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Баҳс-мунозараларга бой бўлган йиғилишда кун тартибидagi масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

Тадбир якунида билдирилган фикр-мулоҳазалар инобатга олиниб, тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси институтнинг Госпитал тобора хирургияси кафедраси мудири, профессор Насриддин Эргашева турмуш ўртоғи

Майрам ЖАЛИЛОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Халқ сўзи».

ОЧИҚЛИК ВА
ШАФФОФЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШДА
КАМЧИЛИКЛАР МАВЖУД

Ўрганиш натижаси юзасидан вилоят ҳокимлигида видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган Сенат қўмитасининг мажлисида масалага тахлиллий баҳо берилди. Айни чоғда вилоят ҳокими ўринбосари ҳамда ахборот хизмати раҳбарларининг мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича ахборотлари эшитилди.

Тадбирда сенаторлар соҳага оид ҳужжатлар ихроси ҳамда туман ва шаҳарлар босма нашрларининг ишини яхшилаш бўйича тавсиялар берди.

Ишчи гуруҳ томонидан вилоятдаги давлат органлари ҳамда ташкилотларнинг мурожаатлар билан ишлаш ҳолати ўрганилди ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан ҳам танишилди. Айни жараёнда вилоятдаги давлат органлари ва ташкилотлар томонидан аҳоли мурожаатларини қўриб чиқишда сусткашликка йўл қўйилаётгани аниқланди.

Масалан, туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан 1 709 та мурожаат қонунда белгиланган муддатларда ҳал этилмаган. Мурожаатлар билан ишлашда белгиланган муддатни бузиш ҳолатлари Хатирчи туманида 511, Навоий шаҳрида 432, Нурота туманида 225 ва Қармана туманида 202 тани ташкил этади. Масъул шахсларнинг ҳаракатлари устидан жами 251 та тақдимнома киритилиб, 196 таси юзасидан тегишли чоралар қўрилган.

Сенат аъзолари, шунингдек, вилоятда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида ўрганиш ўтказилган жамоаларда тарғибот-тушунтириш ишларини олиб берди.

Учрашувлар асносида сенаторлар маҳаллабай ишлаш тизимини янги босқичга кўтариш орқали камбағалликни қисқартириш, аҳолини молиявий қўллаб-қувватлаш, ишсизлар бандлигини таъминлаш, аҳоли ўртасида тадбиркорлик қўниқмаларини шакллантириш юзасидан ўз тавсияларини берди.

«Халқ сўзи».

СУРХОН ВОҲАСИДА МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИ
ФАОЛИЯТИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ишчи гуруҳи маданият ва санъат таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда сифатли таълим тизимини яратиш борасида Сурхондарё вилоятида олиб борилаётган ишлар ҳолатини ўрганди.

Бу жараёнда вилоятдаги маданият ва санъат таълим муассасаларида яратилган шарт-шароитларга ҳамда таълим сифатига эътибор қаратилди.

Маълум бўлишича, вилоятдаги Маданият ва туризм вазирлиги тасарруфидаги барча таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш, уларнинг моддий-техника базасини яхшилаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган.

Айни кунларда мазкур таълим муассасаларида жами 4 435 ўқувчи таҳсил олмақда. Таълим муассасалари 35 минг 360 дона китоб, яъни дарсликлар, мутахассисликка оид ўқув қўлланмалари, нота тўплами, мусиқа ва санъат соҳасига оид қўшимча адабиётлар, маънавий-маърифий адабиётлар, электрон дарслик, ўзбек халқ дostonлари билан таъминланган. Биргина 2022 йилда вазирлик томонидан 20 та болалар мусиқа ва санъат мактабига 13 турдаги

3 600 дона ўқув қўлланма етказиб берилган.

Шунингдек, 2023 йилнинг январь ойида Президентнинг 2022 йил 2 февралдаги тегишли қарорига асосан вилоятдаги мавжуд болалар мусиқа ва санъат мактабларига вазирлик томонидан 2 турдаги 26 дона дўмбира ва 80 дона дутор чолғу асбоблари етказиб берилган. Айни чоғда 639 та мусиқа чолғу асбоби харид қилиш учун маҳаллий бюджетдан 669,6 млн. сўм маблағ ажратилган. Бундай сайёҳаракатлар натижасида вилоятдаги таълим муассасалари ўқувчилари республика ва халқаро қўрик-танловларда қатор ютуқларни қўлга киритиб келмоқда.

Аммо ушбу ютуқларга қарамай вилоятдаги мазкур таълим муассасалари доир муайян камчиликлар мавжуд. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори ҳамда Сурхондарё вилоятига ташириш давомида Термиз ихтисослаштирилган санъат мактабидан концерт зали қуриш белгиланган бўлса-да, бугунги кун-

га қадар мазкур топшириқ ихроси таъминланмаган ҳамда 1992 йилда фойдаланишга топширилган ўқувчилар тураржойи таъмирталаб ҳолатга келиб қолган.

Бундан ташқари, мактаб битирувчиларининг келгуси фаолияти бўйича мониторинг ишлари олиб борилмаган, муассаса фаолият самарадорлигини ошириш юзасидан тахлиллий ишлар йўлга қўйилмаган.

Қолаверса, Термиз ихтисослаштирилган санъат мактабидagi ишлар ўрганилганда маълум бўлдики, ўқувчиларга санъат соҳасида ўрта махсус таълим беришда ҳозирги амалдаги икки йиллик муддат етарли эмас, бу каби муассасалар фаолиятини қайта қўриб чиқиш ва уч йиллик таълим тизимига ўтказиш мақсада мувофиқ, Чунки ҳозирги кунда ихтисослаштирилган санъат мактаблари битирувчиларига берилаётган ҳужжат билан ишга жойлаштиришда қўллаб муаммолар келиб чиқмоқда.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мактабгача таълим ташкилотларидаги аксар бўш иш ўринлари мусиқа тарбиясини ва хореограф штатларидан иборат, лекин ихтисослаштирилган санъат мактаблари битирувчилари ушбу вазифага ишга қабул қилинмапти.

Бахшичилик санъатига ихтисослаштирилган республика

аҳамият касб этишини таъкидлашди. Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан маъқулланди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди.

Мазкур ҳужжат лойиҳасида қишлоқ хўжалигининг суғориладиган ерларида фаолият кўрсатаётган сув истеъмолчилари ва туман ирригация бўлиmlари ўртасида сув етказиб бериш ва сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш бўйича шартнома тузилиши назарда тутилмоқда.

Хусусан, қонун лойиҳасида туман (шаҳар) ирригация бўлиmlари томонидан ўзлари хизмат кўрсатадиган фермер хўжаликларининг қайси объектлардан сув олиши, сув истеъмоли режалари тузилиши ва тасдиқланиши, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда бошқа истеъмолчилар учун сув олиш лимитларининг белгиланиши, жамоа боғлари, тоқзорлар, экинзорларни ва томорқа ер участкаларини сув билан таъминлаш, сув етказиб бериш ва сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартнома асосида белгиланган тартибда амалга оширилиши кўзда тутилган.

Йиғилишда депутатлар томонидан қонун лойиҳасини такомиллаштиришга қаратилган тақлифлар берилиб, қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Фракциялар йиғилишларида кун тартибига киририлган қонун ҳужжатлари билан бирга, ваколатга тааллуқли бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ
ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА

— Ўтган қисқа вақт ичида Бухорода улкан янгиликлар ва ўзгаришлар рўй берди. Биргина 2022 йилда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 45,8 триллион, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 27,2 триллион сўмни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 103,6 фоизга ва хизматлар ҳажми эса 115,8 фоизга ошган. Аҳолининг турмуш тарзи ҳам яхшиланмоқда.

Йиғилишда қўриб чиқилган навбатдаги масала "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини қўриб чиқиш чоғида партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, уни янада такомиллаштириш, пишиқ-пукта ҳолатга келтириш бўйича бир қатор тақлифлар берди. Таъкидланганича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар томонидан ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларнинг манфаатдорлигини ошириш, инвестицияларни кенг жалб этиш ҳисобига қўшимча иш ўринларини яратишга хизмат қилади.

Депутатлар қонун лойиҳасининг зарурати ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиб, қизгин баҳс-мунозаралардан сўнг уни қўллаб-қувватлашди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилишида "Болалар масалалари бўйича комиссиялар ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига

ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамалар марказида бўлди.

Мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида тегишли ҳуқуқий база шаклланиб келди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила, Фуқаролик, Меҳнат ва Жиноят кодекслари ҳамда бошқа бир қатор қонун ҳужжатларида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид нормалар ўз ифодасини топган. Шунингдек, вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралар ва комиссияси фаолияти ислоҳ қилиниб, Болалар масалалари бўйича миллий комиссия этиб қайта ташкил қилинди.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига мазкур комиссиялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамловчи ўзгаришлар киритилиши заруряти юзага келди.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳаси билан "Прокуратура тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги, "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Давлат божи тўғрисида"ги қонунларга ҳамда Жиноят, Жиноят-процессуал, Мазмурий жавобгарлик, Оила, Меҳнат кодексларига ўзгаришлар киритилмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг муҳимлиги ва айни чоғда зарурлигига эътибор қаратди. Ҳужжат лойиҳаси юзасидан асосли тақлифларни илгари суришди. Баҳс-

мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси йиғилишида қўриб чиқилган "Болалар масалалари бўйича комиссиялар ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир ангилликлар акс этаётди.

Депутатлар томонидан иккинчи ўқишда муҳокамадан ўтказилган ушбу қонун лойиҳаси "Адолат" СДП ноярларида тўла ҳамоҳангдир.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан қатор тақлифлар берди. Инсон ҳуқуқлари, мамлакат келажагининг асоси ҳисобланган бола ҳуқуқлари масаласи битта ёки иккита муассаса фаолияти ва сайёҳаракати билангина таъминланиб қолмаслиги қайд этилди.

Фракция аъзоларининг айтишича, мамлакат эртасининг бугундан яхшироқ бўлиши учун барча бирдек ҳаракат қилиши, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, аввало, бола ҳуқуқларини таъминлашдан бошлашни тўлиқ англамоғи лозим.

Тақлиф этилаётган ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, шубҳасиз, болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ва улар фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Савол-жавоб ҳамда торттирувлардан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 241. 20 647 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қўллаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.

Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.50 Топширилди — 03.30 1 2 3 4 5 6